

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

262 Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ-Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Газни қайта ишлаш жойини ўзгартиришни назарда тутувчи уланишга ҳамда инвестицияларнинг ўз вақтида тушиши учун зарур ташкилий тадбирларни амалга оширишга доир техник шартларнинг ўзгариши муносабати билан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ-Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 ноябрдаги 292-сон қарори би-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

лан тасдиқланган Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудук-Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 12 июнь,
168-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 12 июндаги 168-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 ноябрдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудук-Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3 ва 10-бандлардаги «пудратчисини» сўзи «пудратчисини (пудратчиларини)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 9-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Иш лойиҳасининг тасдиқланадиган қисми тасдиқлангунга қадар буюртмачи иш ҳужжатларини ишлаб чиқишга, асосий технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш юзасидан буюртмаларни жойлаштиришга киришади, танлов асосида қурилиш пудратчиси (пудратчилари) танловини амалга оширади. Иш лойиҳасининг тасдиқланган тасдиқланадиган қисми ўзлаштириш объектларини қуриш юзасидан контрактлар тузиш учун асос ҳисобланади».